ИНДИВИДУАЛ СИНОНИМЛАР – НУТҚ ҲОДИСАСИ

Б.Умурқулов

В статье рассматривается роль синонимов в художественном тексте, мастерство писателя в словоупотреблении, связанное с образованием авторских синонимов.

The article studies the the role of synonyms in the literary texts, mastership of the author in the choice of words, connected with creation of authors own synonyms.

Ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати нутқда синонимларни қўллаш доирасининг кенглиги билан ҳам ўлчанади. Чунки нутқда синонимларни танлаш ва маҳорат билан ишлатиш фикрни аниқ ва ёрқин, таъсирчан ва ифодали баён этиш воситаларидан биридир. Зеро, синонимларнинг матндаги вазифалари ҳам асосан нутқий жозибадорликни, таъсирчанликни таъминлаши, фикрни ёрқин, бутун нозиклиги билан ифодалаши доирасида қаралади. Шунингдек, нутқ жараёнида синонимлар ғализ сўз такрорига олиб келмасликни таъминловчи луғавий воситалар ҳамки, буни қуйидаги гапда яққол кўриш мумкин: *Икромжон бағрини куйдираётган алам бу поёнсиз тўқайларга, ой нури ожиз ёритиб турган сўнгсиз чўлларга сиғмасди.* (С.Аҳмад «Уфқ»).

Ушбу матндаги поёнсиз ва сўнгсиз сўзлари услубий синонимлар бўлиб, уларнинг бир матнда изма-из қўлланиши натижасида «чексизлик» кўламининг кенглиги ифодаланган. Поёнсиз сўзи бошқа бир матнда шу маънони ифодоловчи чегараси йўқ бирикмасига ўриндош ҳолда ишлатилган. Масалан, *Улар учунгина шундай гўзал, нафис, поёнсиз. Унинг чегараси йўқ* (А.Мухтор «Чинор»). Бадиий насрда шу сўзнинг *ҳудудсиз, беҳудуд, белоён чексиз* каби синонимлари ҳам қўплаб ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Келтирилган гаплардаги *поёнсиз, сўнгсиз, чегараси йўқ, ҳудудсиз* сўзлари бир-биридан услубий жиҳатдан фарқланувчи синонимлардир. Улардан *поёнсиз* ва *ҳудудсиз* – китобий нутққа хос, сўнгсиз, поёни йўқ оғзаки нутққа хос сўзлардир «Охири, чегараси йўқ" маносидаги бу сўзлар маънодаги белги жиҳатидан фарқланмайди. Шу боисдан ҳам А.Ҳожиев бу сўзларни изоҳлаганда уларда белги ва эмоционал фарқланиш мавжудлигини қайд этмайди [3.58]. Бироқ, маълумки, насрий нутқда сўзлар такрори маълум услубий имкониятларни вужудга келтиради. Бу ҳолатдан синонимлар ҳам мустасно эмас. Шу боисдан синонимларнинг нутқда қатор келиши аввало сўз такрорига барҳам беради, шу билан биргаликда, фикрий таъкид кучайтирилади. Насрий нутқнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, маълум бир матнда бир хил сўзларнинг такрор қўлланиши нутқнинг таъсирчан, жозибалилигини йўқотса, баъзи матнларда шу усул, яъни сўз такрори билан нутқнинг таъсирчан, жозибадорлиги кучаяди.

Бу ҳолни юқоридаги сўзларга синоним бўлган *чексиз* сўзи такрорланиб қўлланган қуйидаги гапда кўриш мумкин: *У ерда чексиз кенгликлар, ўйлар ҳам, ҳислар ҳам чексиз.*(А.Мухтор «Чинор»). Синонимларнинг шаклланиш босқичи адабий тил билан боғлиқ бўлса ҳам, бойиб боришида бадиий адабиётнинг, оғзаки нутқнинг муҳим ўрни бор. Айниқса, насрий адабиётда, кўпинча, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ равишда синонимлар кўплаб вужудга келади. Бундай синонимлар ижодкорнинг сўз қўллашдаги индивидуаллигини намоён қилади ва индивидуал синонимлар сифатида талқин қилинади. Индивидуал синонимларнинг матнда ифодалайдиган маъноси шу матнга хос бўлиб, ушбу маънони ифодаловчи адабий тилдаги ёки умумнутқий сўз билан синоним бўлмайди. Шу боисдан бундай синонимлар контекст синонимлари ҳам дейилади. Контекст синонимлари сўз қўллашдаги индивидуаллик асосида вужудга келиб, ёзувчининг маҳоратини кўрсатувчи воситалардан ҳисобланади. Контекст синонимлардаги синонимлик хусусияти, гарчанд маълум матн учун хос ҳодиса бўлса ҳам, бундай сўзлар муайян тушунчани ифодалаб, нутқнинг ранг-баранг этади. Насрий нутқ жараёнида яратилган нидивидуал, контекст синонимлари нутқни семантик жиҳатдан бойитувчи манба эканлиги шубҳасиздир.

Луғавий маъноси жиҳатидан аслида бир-бирига мос келмайдиган сўзларнинг маълум матнда маъно жиҳатидан мос келиши индивидуал синонимларни вужудга келтиради. Насрий нутқда бундай синонимлар фикрнинг образлилигини кучайтирувчи семантик-стилистик бирлик сифатида муҳим роль ўйнайди. Масалан, *Кимдир четдан гап учирди* (Ш.Холмирзаев. «Қил кўприк»). *То ой оёқлагунча олти марта жала қуйди* (С.Аҳмад. «Уфқ»). Гапидаги *гап учирди* – гапирди, *оёқлагунча* – охиригача сўзларига синоним сифатида қўлланиб, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати намунаси сифатида таъсирчанликни кучайтирган. Оёқлагунча сўзи шевага хос. Насрий нутқда бу сўзнинг деярли учрамаслиги матн учун шу контекстга хослигини кўрсатади.

Индивидуал синонимларнинг бадиий таъсирчанликни таъминлаш кўлами эмоционал-экспрессивлиги, белги даражани меъёридан ортиқ ифода-

лаш хусусияти мавжудлигига кўра кучаяди. Ўзбек тилида ғариб сўзи «кимсасиз», «ночор аҳволда қолган»лик тушунчасини кучли белги даражасида ифодалайди. Қуйидаги матнда бу сўз камбағал сўзига индивидуал синоним сифатида қўлланган: *... етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда ғарибланади.* (А.Қодирий. «Ўтган кунлар»). Насрий матнларда қўлланган аксарият индивидуал синонимлар ифодалайдиган тушунча матнга хослигича қолади. Масалан, *Меъмор Нажмиддин Бухорий хонадонида доимо ярқираб турадиган бир юлдуз бор* (Мирмуҳсин. «Меъмор») гапидаги юлдуз сўзи «қиз» маъносида қўлланган. Бу сўз шу матнда қиз тушунчасини ифодалагани учун қиз сўзининг матний синонимидир. Ушбу сўзнинг қиз сўзига синоним сифатида қўлланиши ёзувчининг индивидуал услубига хос бўлиб, юлдуз сўзининг кўчма маънода ишлатилиши асосида фикрнинг бадиий бўёқдорлиги кучайтирилган.

Индивидуал синонимларга хос бўлган характерли хусусиятлардан яна бири шуки, матнда бирор сўзга синоним сифатида қўлланган индивидуал синоним ўз маънодоши ифодалайдиган тушунчага нисбатан кенгроқ ёки эмоционал жиҳатдан бўёқдор бўлади. Бинобарин, юқоридаги гапдаги юлдуз сўзи нафақат қиз тушунчасини, балки чиройлилик тушунчасининг юқори даражаси, “гўзал қиз” тушунчасини ифодалаганки, ифода даражасининг бундай кенглиги шу сўз ёрдамида ифодаланаётган фикрнинг эмоционал таъсирчанлигини таъминлаган. Бироқ сўзларнинг маъно ифодаси сўз семантикаси билан боғлиқ, шу боисдан мазкур луғавий воситалар насрий нутқни, шунингдек, адабий тилни ҳам семантик жиҳатдан бойитиши мумкин, аммо луғавий жиҳатдан бойита олмайди. Бинобарин, бу луғавий воситалар ифодалайдиган маъно муайян матн учун хос, бошқа матнда ушбу маънони ифодаламаслиги мумкин.

Тилнинг луғавий воситалари эса муайян маъносини ҳамма вақт ҳам ифодалайди. Демак, ҳамма вақт маълум маънони ифодалай оладиган индивидуал синонимларгина адабий тилга ёки умуммуомилага ўтиши, тилни луғавий жиҳатдан бойитиши мумкин. Шу жиҳатдан қуйидаги гапда қўлланган *хабарлабди* сўзи характерлидир. *Телеграммада Азиз Москвага яхши етиб боргани, яхши жойлашганини хабарлабди* (Ў.Усмонов, «Гирдоб»). Бу гапдаги *хабарлабди* сўзи хабар берибди, (хабар қилибди сўз бирикмаларига синоним) сифатида қўлланган. Ёзувчининг сўз қўллашдаги индивидуаллигини намоён қилувчи бу ясама, шубҳасиз, ўз синонимларига нисбатан шаклан жозибадор ва тушунчани тўлақонли ифодалай олган. Шунинг учун бу типдаги сўзларнинг қўлланиш доираси кенгайиб, умумистеъмолга ўтиши мумкин. Насрий матн адабий тилга кўплаб шу типдаги сўзларни тавсия қиладиган матн кўринишидир. Шу сабабли насрий нутқ синонимларни бойитиб борувчи манбалардан бири саналади. Насрий нутқдаги тасвирийлик чегарасининг кенглиги синоним сўзларни кўплаб яратилиши учун имкон беради. Бинобарин, бир тушунчани турли даражасини ифодалаш учун кўплаб лингвистик воситалардан фойдаланиш фақат насрий нутққа хос ва унда шундай имкониятлар мавжуд. Масалан, «қарамоқ» маъносини ифодаловчи қараш, боқиш, назар солиш, нигоҳ ташламоқ, тикилмоқ, анграймоқ каби синонимлар адабий тилнинг у ёки бу кўринишларида, оғзаки нутқда қўлланиб туради. Бир қарашда «қарамоқ» маъносини ифодалашда қўлланадиган ушбу синоним сўзларни қўллаш тилнинг барча нутқ шакллари учун етарлидек туюлади. Бироқ насрий нутқнинг луғавий жиҳатдан қамровдорлиги, моҳиятан образлилиги «қарамоқ» маъносини ушбу синонимлар ёрдамида ифодалаш билан чегараланишга монелик қилади. Шунинг учун насрий нутқда тушунчанинг турли даражасини ифодаловчи турли луғавий воситалардан фойдаланиладики, улардан айримлари насрий нутқ учун оммалашган бўлса, баъзи бирлари индивидуаллик хусусиятларини сақлайди. Чунончи насрий матнларда «қарамоқ» маъносини ифодаловчи юқорида қайд қилинган сўзлардан ташқари қуйидаги лингвистик воситалар қўлланганини кузатиш мумкин: *Жўра тевараккa ваҳима ва ташвиш ила аланглади* (Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»), *…сўнг улкан сардобани узоқ кўздан кечирди.* (О.Ёқубов «Оққушлар, оппоқ қушлар»). Келтирилган гаплардаги *кўздан кечирди* – “синчиклаб қараш”, “*аланглади*” – “хавотирли қараш” каби маъноларни англатганки, насрий нутқнинг таъсирчанлигини бу типдаги турли-туман ифодаларсиз тасаввур этиш қийин. Шунингдек, шу тушунчанинг турли даражаси, яъни «яширинча қараш» маъносини ифодоловчи зимдан тикилмоқ (*…мункайиб қолган Қўрғонбой ота, пиёладаги чойни асабий ҳолатда пуфлаб ичаётган ўғлига зимдан тикилди* …(Ў.Усмонов. «Гирдоб»), «диққат билан қарамоқ» маъносини ифодоловчи *михланиб қолмоқ* (Ҳамманинг кўзи Толмас Азимовга михланиб қолган эди. Ў.Усмонов. «Гирдоб») каби қўлланишлар насрий нутқнинг тасвирийлигини оширувчи воситалардан ҳисобланади. Бундан ташқари, насрий матнларда «қарамоқ» маъносининг турли даражасини ифодаловчи *анграйиб қолди, термилди, кўз қирини ташлади, кузатди, нигоҳини тикди, нигоҳини қаратди, нигоҳ солди, назар ташлади, назар солди, қараб қолди, термилиб қолди* каби кўплаб лингвистик воситалар қўлланганки, бу насрий нутқнинг синонимларга бой, ифо-

дадор нутқ эканлигидан далолат беради. Синонимларнинг насрий нутқда қўлланишини кузатиш кўрсатадики, синонимларнинг нутқ жараёнидаги вазифаси чексиз. Бинобарин, насрий нутқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда синонимлар нутқнинг образлилиги, таъсирчанлиги, ифодадорлиги, бадиий бўёқдорлиги каби сифатларини кучайтирувчи воситадир.

Адабиётлар:

1. Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. I китоб.- Т.: 1981.
2. Қўчқортоев И. Луғавий синонимик воситалар ва уларнинг асосий турлари // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1984.- № 4.- Б.36-41
3. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати.- Т., 1974.

Термиз давлат университети,
2012 йил 25 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)